

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 11 апрель, шанба • № 28 (11.011) • Эркин нарҳда сотилади

АМЛА 1998 йил — Оила йили

АМЛА АЙЛАЁТИР ХАР ШОНДА НАВРӢЗ

ТИНЧЛИК, осойишталик, тотувлик, тўқинчилик баркадор бўлган она-юртимизда Наврӯз наволари ҳамон жарангламоқда. Миллатимизнинг, Ўзбекистонимизнинг буюк келажиги бўлган минглаб оилаларда қадриятларимиз, бир келадар унутилган расм-русумларимиз нав-ниҳоли қайтадан илдиз отмоқда, барқ урмоқда. Истикбол ишончи, муқаддас Ватанимиз таянчи бўладиган жажжи болакайлар бешиклари узра хар тоғда Наврӯз алла айтмоқда.

Пекент туманининг Ҳақимполвон Қодиров номли жамоа хўжалигида хавас қилса арзигулик бир хонадон бор. Унга, беистисно, ҳамманинг меҳри тушган. 75 шар Мирмахмуд хожи ота Мирқосимов оила паногоҳи. Тожинисо ая оила онахони. Бир-бирдан одобли тўрт ўғил, бири биридан дилбар уч қиз манса шу табаррук кишиларнинг фарзандларидир. 19 нафар ширин-шакар набралар ҳам хар сония опоқ дарахларининг, катта аяларининг ўғитлари боғидан шира олиб, балогатга етмоқдалар.

Покдомон инсонларни аждодаларимиз кўйида қибб қилганликлари бежиз эмас. Зотан, улар тафтидан фақат оиладаги фарзандлар эмас, балки, бутун маҳалла, қолаверса, бутун қишлоқ баҳраманд бўлади.

— Униб-усаётган авлоднинг соғлом, маънавий етуқ, ватанпарвар бўлиб камол топиши оилга боғлиқ эканини биз яхши биламиз, деган пурмаъно калималар йўлбошчимиз Ислом Каримов лабларидан учганда юракларим харикиб кетди, — дейди Мирмахмуд ота. — Шу боис бу сўзларнинг нақадар тўғриликларини исботлаш учун биз кексалар бутун ақл-заковатимизни сарфлашимиз лозим. Ана шунда йигит-қизлар келажакда яхши фазилатларга, отаналар эса иззат-икромга мушарраф бўладилар.

А.УМАРБЕКОВ.
СУРАТДА: Мирмахмуд ота ва Тожинисо аялар фарзандлари даврасида.

Тўқин КАРИМОВ сурат-лаҳзаси.



Дехқон баҳори

Тўрт кунда яқунлашди

ЧИНОЗ туманидаги "Гулзоробод", "Эшонобод" ва Алишер Навоий номли жамоа хўжаликларига чигит экиш жадал давом этапти. Бу хўжаликларнинг хар бири шу кунгача 200-250 гектардан кўпроқ майдонда пленка остига уруғ қадаб бўлдилар. Умуман туман бўйича андижонча усулда экиш тугаллаш арафасида турипти. Хўжаликларда режада белгиланган 1555 гектар майдоннинг 1450 гектарига пленка остига чигит экилди.

Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан дастлабки хушхабар олинди. Рихсибой Мухаммадларнинг бошлик бригадига 65 гектар майдонга С-65-24 навли уруғликни экиб бўлганлиги хақида хабар берди. Механизатор Шермухаммад Галиев кунига 12 гектардан ошириб чигит экишга эришти. Ҳозир у бошқа бригадаларга ёрдам берапти.

Орзукул МАЪМУРОВ.

БИР КУН эрта эчкининг ҳосили ўн кун эрта етилади, деган гап бор халқимизда. Шу сабабли виллоятнинг тахрибали деҳқонлари баҳорнинг хар бир кун, хар бир дақиқасидан унутли фойдаланиб, сифатли қилиб тайёрланган далаларда чигит экишни тобора қизитмоқдалар. Туманлардан олинётган хабарларда ана шулар хақида сўз боради.

— Туманимиз пахтакорлари бу йил 13 минг 520 гектар майдонда гўза ўстирадилар, — дейди Куйичирчиқ тумани ҳокими Қамбарали Омонов. — Шундан 4980 гектарига андижонча усулда чигит экиляпти. 147та севялка эрта тондан кеч қоронғусигача экиш билан банд. Хар куни 200 гектардан кўпроқ ерларга чизел урилиб, мола бостирилмоқда. Шу кунгача 2100 гектар майдонга С-65-24 навли пахта уруғи экилди. 935 гектар ерда эса уруғ пленка остига кўмилди.

Туманда "Меҳнатобод", "Дўстлик", "Янги хаёт", "Пахтачи" жамоа хўжаликлари чигит экишда пешқадамлик қилмоқдалар. "Пахтачи" жамоа хўжалиги ўтган йили пахта тайёрлаш режасини бажаролмай

доғда қолганди. Бунинг бир сабаби — ер вақтида шудгорланмай, уруғ экиш кечикиб кетганлигида бўлди.

— Биз бундан тегишли

ҲАРАКАТИ БОРНИНГ...

хулоса чиқариб олдик, — дейди хўжалик бошқарувининг янги раиси Тиллабек Қодирбеков. — Умумий йиғилишда йўл қўйилган нуқсонларни чуқур таҳлил қилдик. Кузда сифатли қилиб шудгорланган, маҳаллий ва маъданли ўғитлар билан тўйинтирилган экин майдонлари обитобиға келиши билан

кафтдек қилиб текисланди. Бектурсин Олдиёров, Курол Юзбоев, Курбонали Орипбеков, Тлес Ҳўрбоев, Анвар Нурмонов бошлиқ бригадаларда экин майдонларининг ярмидан кўпроғига андижонча усулда чигит экилди. Шу кунларда далаларимизда 14 та севялка ишлаб турипти. Оддий усулда ҳамда

пленка остига уруғ экишни узоғи билан бир хафта ичида тугаллаймиз. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Пулат Бойдебовнинг айтишича, барча жамоа хўжаликларида чигит экиш кизгин давом этапти. С-65-24 навли пахта уруғи текис майдонларга экилмоқда. Об-ҳаво нуқулай келган-

лиги ва намгарчилик сабабли чигит чириши ҳамда униб чиқадиغان ниҳолларнинг касалликка чалиниши олдини олиш мақсадида экиш пайтида азотли ўғитлар ҳам солинмоқда. Пленка майдонларда эса чигит тушган чуқурчалар юзасига чиритилган гўнг солиб борилляпти. Бу тadbирнинг қатқалоқ бўлиши олдини олади ва тупроқнинг уруғ тушган қатламида хароратнинг тез кўтарилшига ёрдам беради.

Хўжаликларда айна пайтда ниҳолларга ишлов бериш учун тайёргарлик ҳам кўриляпти. 173та култиватор таъмирланиб, тайёрлаб қўйилди. Биринчи озиклантириш учун маъданли ўғитлар аралаштирилган чиринган гўнг хар бир картанинг ёнига ташиб келтирилди. Экин униб чиққач дархол биринчи култивацияни ҳам бошлаб юборамиз.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

"ИЛҲОМБЕК"НИНГ ИЛҲОМИ

Юқоричирчиқ туманидаги "Илҳомбек" хусусий фермер хўжалиги ҳам мавжуд 50 гектар майдонда чигит экишни бошлаб юборди. Бир томонда механизатор Олимжон Ҳафизов ДТ-75 трактори билан мола босиб, ерни текислаётган бўлса, иккинчи томонда унинг ҳаммаси Сиддик Арастонбеков тайёрланган ерга барака уруғини қадаб боряпти.

— Биз бу кунга пухта тайёргарлик кўрдик, — дейди фермер Акрам Зикриёев. — Барча экин майдонлари куздаёқ чуқур қилиб ҳайдаб, озиклантирилган эди. Техника сифатли қилиб соёланди. Механизатор С. Арастонбеков бу йил ҳам ўзи чигит эчкин далаларда гўза қатор ораларига ишлов беришни зиммасига олди. Фермер хўжалигида деҳқонларга кулай шарт-шароитлар яратилган. Акрам Зикриёевнинг ҳисоб-китобича чигит экиш учун ичида тугалланди. Фермер хўжалиги бу йил хар гектар ердан 45 центнердан пахта етиштиришни кўзламоқда.

И. ХОЛТУРСУНОВ.

Вилоят хаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ТАНЛОВ АНГРЕНДА ЎТДИ

ҲАМШИРАЛАРНИНГ виллоят кўрик-танлови Ангрен шахрида бўлиб ўтди. Унда 22 нафар давогар иштирок этди. Улар ўзлари истикомат қилаётган шахар ва туманларни таништириш, касб маҳорати, қувноқлик ва зуққолик, тиббиёт илми, бадий чиқиш шартлари бўйича бахшландилар.

Танлов иштирокчилари юксак ушшоқликларига билан таъсисчилари — виллоят ҳокимлиги, виллоят ёшларнинг "Камолот" жамғармаси, виллоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ишончини тўла оқладилар. Кўрик-танловда — бўкалик Оқила Саидхамедова — биринчи, Чиноз туманидан Нигора Холхўжаева — иккинчи, Чирчиқ шахридан Дилдор Иброҳимова — учинчи ўринни эгалладилар. Голлибларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Саидвали ҲАСАНОВ.

УЧ ТИЛДА ЯНГРАДИ

ЎЛКАМИЗДА баҳор ва гўзаллик байрами — Наврӯз тантаналари давом этмоқда. Яқинда худди шундай тadbир Вилоят педагогика билим юртида ҳам бўлиб ўтди.

Ўқув даргоҳида йигин уч тилда — ўзбек, рус ва қозоқ тилларида олиб борилди. Айёнга атаб 14 гуруҳ томонидан чиқарилган деворий газеталар кўриғида билим юртининг 1-"К" курси талабалари голлиб чиқилди. Дилбар ХЎЖАЕВА.

БОҒИСҮРҲДА ГУЗАР ОЧИЛДИ

АНГРЕНДА маҳалла гузарларини барпо этиш ишлари изчил давом этмоқда. Яқинда шундай ишоотларнинг бири янги Боғисурх маҳалласида фойдаланишга топширилди. Бунинг учун давлат томонидан 13 миллион сўм маблағ сарфланди.

"Кўмирқурилиш" ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул бинокорлари замонавий гузарни кўсқа муддатларда қуриб битказдилар. Бунёдкорлик ишларида миллий меъморчилик анъаналаридан кенг фойдаланилди. Гузардаги хар бир бино ўзига хос кўринишга эга. Юз ўринли чойхона шималиги билан ажралиб туради. Сартарошхона, телевизор-радио, пойкабал устаконалари, савдо дўконлари ва аҳолиға маънавий хизмат кўрсатувчи бошқа шохобчалар ҳам ишга туширилди. Бу фамхўрликдан маҳалла ахли миннатдор бўлди. Мунаввара ИСАКУЛОВА.

СПОРТГА — 18 МИЛЛИОН

"Бекободцемент" ҳиссадорлик жамиятининг жамоасида кўпчиликини ишчи ёшлар ташкил этади. Корхонада уларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлашға қаратилган қўллаб қоралаштирилди. Яқинда спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантиришға влоҳида эътибор берилляпти.

Жамият маъмурияти Президентимизнинг "Ўзбекистонда футболни ривожлантириш тўғрисида"ги фармонига жавобан спортнинг бу турини омаллаштириш учун 18 миллион сўм сармос акратди. "Цементчи" ўйингоҳи тўла таъмирланди, турли спорт анжонлари сотиб олинди. Виллоят биринчилиғида қатнашаётган "Цементчи" футбол командасининг моддий базаси муостахмаланди. Айна вақтда цехларда ҳам шундай жамоалар ташкил этилди. Яқинда соғломлаштириш марказида цехларро кичик футбол мусобақалари уюштирилди. Унинг голлиблари совғалар билан тақдирланди.

Бундай тadbирлар корхонада саломатлик гарови — спорт билан шугулланишчилар сонининг кўпайишиға олиб келмоқда. С. ХАМИДОВ.

РАСМИЙ ТАШРИФ ОЛДИДАН

Туркия Республикаси Бош вазири Месут Йилмазининг мамлакатимизға расмий ташрифи олдидан ушбу давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонасида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Туркиянинг Ўзбекистондаги факултода ва мухтор элчиси Умур Алайдин Бош вазининг расмий ташрифи дастурида кўзда тутилган учрашувлар, тadbирлар хақида оммавий ахборот воситаларни вакилларига атрофлича маълумот берди. Бош вазирга Туркия ишбилармон доиралари, турли ташкилотлар вакиллари иборат йирик делегация ҳамроҳ бўлиб келаятгани эътиборға молик. Бу туркиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистонға қизик-

ши катта эканидан яна бир далолатдир, деди у. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатлар хақида гапирганда, аввало, мамлакатларимизни узоқ тарихий алоқалар бир-бирига чамбарчас боғлаб туришини таъкидлаш жонз. Халқларимизнинг маданияти узро уйғун, тили ва дини бир. Икки давлат ўртасидаги сиёсий-иқтисодий, маданый алоқалар бугунги кунда ҳам тобора кенгайиб, муостахмаланиб бораётди. Икки томон ўртасида имзаланган "Аба-

дий дўстлик тўғрисидаги шартнома"да Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг аниқ тамойиллари ўз тажассумини топган. Матбуот анжуманида узро муносабатларимиздаги ана шундай муҳим жиҳатлар хақида сўз борди. У. Алайдин ташрифдан кўзланган асосий мақсад хақида гапирар экан, Туркия Бош вазири Месут Йилмазининг Ўзбекистонға буюраржақ илк расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий-иқтисодий, маданый ҳамкорлиқни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этажанини таъкидлади. (У.А.)

Миллий эмлаш кўни

ФАРЗАНД САЛОМАТ БЎЛСИН

Бўтун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти қарори билан жаҳонда 2000 йилгача полиомиелит (шол) касаллигини бутунлай тўғатиш борасида жуда катта ишлар амалға оширилмоқда. Шу жумладан, давлатимиз раҳбарияти, соғлиқни сақлаш вазирлиғи томонидан 1994 йилдан буён хар йили икки мартабадан 4 ёшгача бўлган болаларни (виллоятимиз бўйича уларнинг сони 250000 га яқин) ёппасига шу касалликка қарши эмлаш ўтказиб келинмоқда. Бу борада бепул вакциналар билан тўлиқ таъминланган ҳолда "Шолға қарши миллий эмлаш" кўнлари ўтказилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Виллоят аҳолиси ўртасида кейинги 2-3 йилда шол касаллиғи қайд этилгани йўқ. "Шолға қарши миллий эмлаш кўнлари"нинг сифатли ва ташкилий равишда ўтказилиши учун виллоят тиббиёт, санитария ва эпидемиология хизмати ходимлари томонидан жойларда катта

тайёргарлик ишлари амалға оширилмоқда. Албатта, 1998 йилнинг 14-15-16 апрель ва 19-20-21 май кўнлари ўтказиланидиган миллий эмлаш кўнлари тadbирининг сифатли ўтказилиши фақат тиббиёт ходимларига боғлиқ бўлиб қолмай, жойлардаги хўжалик, ташкилот раҳбарларига, ҳокимларнинг кўрсатилган беминнат ёрдамларига ва ташкилотчилик қобилиятларига ҳам бевосита боғлиқ. Хар бир ота-онанин ҳам бу тadbирда фаол иштирок этиши ўз самарасини беради. Хурматли юртдошлар, азиз ота-оналар! Ўз фарзандларимиз соғлиғини таъминлаш, дахшатли шол касаллиғидан сақланиш мақсадида давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан тўла фойдаланиш учун хар бирингиз ўз ҳиссангизни қўшасиз деган умиддамыз.

Р. ҚОСИМОВ,
Тошкент виллоят санитария-эпидемиология станцияси бош врач.

Вилоят хаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

